

Ҳадис илми мактабида кириш имтиҳонлари бошланди



20:06 / 09.07.2019 1542

Бугун 9 июль куни Ҳадис илми мактабига ҳужжат топширган абитуриентлар учун «Ҳадис ва Мусталаҳул ҳадис» ҳамда «Араб тили» фанларидан ижодий имтиҳон бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати хабар беради.

Жорий йилнинг 6 июль куни Ҳадис илми мактабига ҳужжат топширган абитуриентларга «Ҳадис илми мактабига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом» талаблари бўйича ижодий имтиҳон ва тест синовларини ўтказиш тартиб-қоидаларини тушунтириш бўйича консультация ўтказилган эди.

Шунингдек, абитуриентларга ижодий имтиҳон бўлиб ўтадиган аудитория, тест жараёнига ажратиладиган вақт, жавоблар варақасини тўғри тўлдириш, имтиҳонга абитуриент томонидан уяли телефон ва бошқа алоқа воситалари, луғат ва шпаргалкаларни олиб кириш ва фойдаланиш қатъиян тақиқлангани, имтиҳон ўтказиш тартибини бузмаслик бўйича муҳим эслатма ва кўрсатмалар берилган эди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 10 июль куни, «Ўзбекистон тарихи» фанидан тест синови бўлиб ўтади.

